# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИБЕР-ЭТИКАСИ ВА РАҚАМЛИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТАРБИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ РОЛИ

**п.ф.н., доц. С.Р. Абдалова**
*Ўзбекистон Миллий университети*
***https://doi.org/10.5281/zenodo.23512410***

*Ушбу мақолада замонавий таълим тизимида ўқувчиларнинг рақамли маданиятини шакллантириш, кибер-этика нормаларини сингдириш ва рақамли хавфсизликни таъминлашда интеграциялашган тарбиявий ресурсларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Бугунги кунда ахборот хуружи ва носоғлом контентдан ўқувчи-ёшларни ҳимоя қилишда анъанавий педагогик усуллар билан бир қаторда рақамли платформалар, интерактив кейслар ҳамда таълим ресурсларини узвий интеграция қилишнинг муҳимлиги асосланган.*
***Калит сўзлар:*** *кибер-этика, рақамли хавфсизлик, интеграциялашган тарбиявий ресурслар, рақамли маданият, медиасаводхонлик, рақамли таълим муҳити, кибер-таҳдидлар, тарбиявий механизмлар.*

*В данной статье рассматриваются роль и значение интегрированных воспитательных ресурсов в формировании цифровой культуры, привитии норм киберэтики и обеспечении цифровой безопасности учащихся в современной системе образования. Обоснована необходимость комплексного внедрения цифровых платформ, интерактивных кейсов и образовательных ресурсов наряду с традиционными педагогическими методами для защиты учащихся от информационных угроз и деструктивного контента.*
***Ключевые слова:*** *киберэтика, цифровая безопасность, интегрированные воспитательные ресурсы, цифровая культура, медиаграмотность, цифровая образовательная среда, киберугрозы, воспитательные механизмы.*

*This paper explores the role and significance of integrated educational and upbringing resources in shaping students' digital culture, instilling cyberethics norms, and ensuring digital safety within the modern education system. It substantiates the necessity of seamlessly integrating digital platforms, interactive case studies, and learning resources alongside traditional pedagogical methods to protect young learners from information threats and harmful online content.*
***Keywords:*** *cyberethics, digital safety, integrated educational resources, digital culture, media literacy, digital learning environment, cyber threats, educational mechanisms.*

Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобал ахборот жамиятида рақамли технологиялар таълим ва тарбия тизимининг ажралмас қисмига айланди. Рақамлаштириш жараёни ўқувчиларга кенг билим олиш, дунёқарашини кенгайтириш ва мулоқот қилиш имкониятларини яратиш билан бир қаторда, бир қатор кибер-таҳдидлар ва кибер-буллинг, носоғлом контент ҳамда ахборот хуружлари каби салбий омилларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Ушбу шароитда ўқувчи-ёшларнинг кибер-этикаси (рақамли мулоқот маданияти, интернет ахлоқи ва масъулияти) ҳамда рақамли хавфсизлигини таъминлаш педагогик фаолиятнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Тарбиявий ишларни анъанавий чеклаш ёки ман этиш усуллари

билан чеклаш кутилган натижани бермайди. Бунинг учун рақамли ва анъанавий тарбия ресурсларини таълим жараёнига тизимли ҳамда мутаносиб равишда интеграция қилиш зарурдир. Ушбу тезисда интеграциялашган тарбиявий ресурсларнинг ўқувчиларда кибер-этика ва рақамли хавфсизлик кўникмаларини шакллантиришдаги ўрни ҳамда педагогик механизми атрофлича ёритилган.

Интеграциялашган тарбиявий ресурсларнинг мазмуни ва тузилмаси.

Интеграциялашган тарбиявий ресурслар - бу анъанавий педагогик методикалар ва замонавий рақамли контентнинг (интерактив видеороликлар, виртуал кейслар, геймификацияланган топшириқлар ва таълим платформалари) яхлит ва мақсадли уйғунлигидир. Ушбу ресурслар ўқувчиларда нафақат билим, балки кибер-маконда хавфсиз ва масъулиятли хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу ресурсларнинг асосий мақсади - ўқувчиларда шунчаки назарий тушунчаларни эмас, балки ахборот маконида масъулиятли хулқ-атвор, критик фикрлаш ва рақамли маданиятни шакллантиришдан иборат.

Интеграциялашган тарбиявий ресурсларнинг асосий таркибий қисмлари.

1. Медиа ва мультимедиа контентлари. Мотивацион ва ахлоқий мавзудаги видеороликлар, виртуал экскурсиялар (музейлар ва тарихий қадамжолар); Интерактив инфографикалар, аудио-ҳикоялар ва подкастлар.

2. Интерактив ва геймификацияланган кейслар. Кибер-этика, интернет хавфсизлиги ва тармоқдаги мулоқот маданиятига оид симуляцион ўйинлар;Топшириқлар банки, рақамли квестлар ва ролли педагогик ситуацион кейслар.

3. Электрон ва платформавий манбалар. Мактаб ва таълим тизимлари платформаларидаги (LMS) тарбиявий модуллар; Ота-оналар ва ўқувчилар учун рақамли гигиена ва медиасаводхонлик бўйича рақамли қўлланмалар.

Педагогик афзалликлари ва аҳамияти.

Кўргазмалилик ва қизиқарлилик: ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос ҳолда тарбиявий маълумотларни қабул қилиш ва ўзлаштириш даражасини оширади.

Ахборот хуружларидан ҳимоя: ўқувчида сохта (фейк) маълумотларни ажратиш ва ахборот гигиенасига риоя қилиш кўникмасини шакллантиради.

Узвийлик ва узлуксизлик: дарс жараёни (информатика, тарбия, адабиёт, биология ва фан асослари), синфдан ташқари тадбирлар ва оилавий тарбия ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди.

Рақамли изларни мониторинг қилиш: интерактив ресурслар орқали ўқувчиларнинг фаоллиги, қизиқишлари ва хулқ-атвори динамикасини (learning analytics) таҳлил қилиш имконини беради.

Таълим жараёнига сингдириш босқичлари:

| Босқич | Фаолият мазмуни |
|---|---|
| 1. Саралаш ва экспертиза | Ресурснинг ёш хусусияти, психологик ва педагогик хавфсизлигини текшириш. |
| 2. Дидактик интеграция | Тарбиявий соатлар, маънавият дақиқалари ва фан дарсларига ресурсни мантиқий улаш. |
| 3. Интерактив муҳокама | Контентни шунчаки томоша қилмай, кейс-стади ва дебатлар орқали хулоса чиқариш. |
| 4. Баҳолаш ва қайта алоқа | Ўқувчиларнинг рақамли маданияти ва хавфсизлик кўникмаларининг ўзгаришини кузатиш. |

Интеграциялашган ресурслар орқали кибер-этика ва хавфсизликни шакллантириш йўналишлари:

медиасаводхонлик ва критик фикрлаш: интерактив тарбиявий кейслар ва мультимедиа манбалари орқали ўқувчиларга фейк хабарларни чин маълумотлардан ажратиш, ахборот гигиенасига риоя қилиш ҳамда носоғлом контентни тушуниб етган ҳолда рад этиш ўргатилади;

рақамли мулоқот маданияти (кибер-этика): онлайн ҳамжамиятларда ўзини тутиш, ўзгаларнинг шахсий дахлсизлигини ҳурмат қилиш, кибер-буллингга йўл қўймаслик ва тармоқда масъулиятли мулоқот олиб бориш бўйича амалий топшириқлар тарбиявий соатлар мазмунига сингдирилади;

рақамли из ва шахсий маълумотлар ҳимояси: ўқувчиларнинг рақамли таълим изларини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш орқали уларга шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва кибер-хавфсизлик қоидалари амалда тушунтирилади.

Таълим жараёнига интеграция қилишнинг педагогик механизми: интеграция механизми бир нечта босқичларни ўз ичига олади:

босқичма-босқич ёндашув: тарбиявий ресурсларни фанлараро (онформатика, тарбия, адабиёт, биология ва фан асослари) синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар билан узвий боғлаш;

интерактив ва геймификацияланган шакллар: симуляция, ролли ўйинлар ва рақамли квестлардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш;

уч томонлама ҳамкорлик (мактаб - ўқувчи - оила): интеграциялашган ресурслардан ота-оналар ҳам уйда рақамли хавфсизлик ва тарбияни таъминлашда фойдаланишлари учун шароит яратиш.

Демак, интеграциялашган тарбиявий ресурслардан тизимли фойдаланиш ўқувчида шунчаки чеклаш ва тақиқларга асосланган хавфсизлик эмас, балки ички масъулият, юқори рақамли маданият ва кибер-этика нормаларига асосланган ўз-ўзини ҳимоя қилиш кўникмасини ривожлантиради.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг кибер-этикаси ва рақамли хавфсизлигини таъминлаш жараёнида интеграциялашган тарбиявий ресурслардан фойдаланиш анъанавий чеклаш усулларига нисбатан юқори педагогик самарадорлик беради. Рақамли контент, интерактив кейслар ва геймификация элементларининг таълим-тарбия жараёнига тизимли сингдирилиши ўқувчиларда шунчаки назарий билимларни эмас, балки ахборот хуружларига нисбатан критик фикрлаш, кибер-маконда масъулиятли хулқ-атвор ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантиради.

Амалий механизми тўғри йўлга қўйилган интеграциялашган тарбиявий ресурслар мактаб, ўқувчи ва оила ўртасидаги узвий ҳамкорликни таъминлаб, хавфсиз ҳамда баркамол рақамли таълим муҳитини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдалова, С. Р. Таълим жараёнида рақамли таълим излари ва педагогик аналитикадан фойдаланишнинг методик асослари. Ташкент: Муаллиф. 2025.
2. Ахмедова, М. К.. Умумий ўрта таълим мактабларида рақамли тарбия ва кибер-этика кўникмаларини шакллантириш муаммолари. Педагогика ва психологияда инновациялар, 7(2), 2024. -С. 45-52.
3. Раҳимова, Д. А. Замонавий ахборот муҳитида ўқувчиларнинг медиасаводхонлиги ва рақамли хавфсизлигини таъминлаш педагогик муаммо сифатида (Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати). Тошкент. 2023.
4. Livingstone, S. The Quantum of Risks? Age-related vulnerability to online risks: A rapid evidence review. UNICEF Office of Research – Innocenti. 2021.
5. Ribble, M. Digital Citizenship in Schools: Nine Elements All Students Should Know (3rd ed.). International Society for Technology in Education (ISTE). 2015.